

## Қуръондан таъсирланган аъробий



15:00 / 07.06.2019 4636

Абул Фазл Аббос ибн Фараж Риёший Басрий ҳикоя қилади: “Асмаъий (асл исми Абдулмалик ибн Қарийб ибн Абдулмалик ибн Али Асмаъий Абу Саъийд Басрий бўлиб, 216 ҳижрий санада, тўқсон ёшга яқинлашиб вафот этганни бундай деяётганини эшитдим:

“Бир куни Басрадаги жоме масжиддан чиқиб, шаҳар кўчаларида кетиб бораётсам, рўпарамдан туя миниб, белига қилич осиб, қўлига камон ушлаб олган аъробий чиқиб қолди. Яқинлашиб, менга салом берди. Мендан: “Сен қаердансан?” деб сўради. “Асмаъ уруғиданман” деб жавоб бердим. У: “Асмаъиймисан?” деди. Мен: “Ҳа, шундай” дедим. У: “Қаердан келяпсан?” деб сўради. Мен: “Раҳмоннинг Каломи тиловат қилинадиган жойдан” деб жавоб бердим. У мендан: “Раҳмоннинг одамлар тиловат қиладиган Каломи борми?” деб сўради. Мен: “Ҳа, бор” деб жавоб бердим. “Менга ўшандан

тиловат қилиб бер!” деди у. Мен унга: “Туянгдан туш!” дедим. У туясидан тушди. “Зарият” сурасининг бошидан тиловат қила бошладим. Аллоҳ таолонинг:

نَادَعُوْا اٰمَ وَاْمُوْكُمْ قُرْرَ اٰمِ سَلَا يَفَو

**“Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарсалар (бор)”** оятига етганимда, аъробий мендан “Эй Асмаъий, бу Раҳмоннинг Каломими?” деб сўради. Мен: “Ҳа, шундай. Муҳаммадни ҳақ ила хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборган Зотга қасамки, бу Унинг Каломи! У Зот буни Муҳаммадга нозил қилгандир” дедим. Аъробий менга: “Шу кифоя қилади” деди.

Кейин туясининг олдига борди ва уни сўйди. Гўштини бўлақларга бўлиб, менга: “Бу ёққа келиб, бу гўштларни тарқатишга ёрдамлашиб юбор!” деди. Кейин биз бўлинган гўштдан ўтган-кетган кишиларга тарқатиб чиқдик. Кейин қиличини ва камонини қўлига олиб, уларни синдирди. Сениқларни қум остига яширди.

Кейин саҳро ичкарасига қараб юриб кетди. Кетар экан, **“Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарсалар (бор)”** оятини ўқиб борар эди. Бу ҳолатни кўргач, ўзимни маломат қила бошладим. “Нега аъробий таъсирланганда, қалбига етиб борганда, сен таъсирланмадинг?!” дедим.

Кейинги йили Ҳажга борганимда, Маккага кирдим. Каъбани тавоф қилиб турганимда, кимдир паст, мулойим овозда мени чақирди. Ўгирилиб қарасам, ўша аъробий турибди. Менга салом берди. Қўлимдан тутди-да, Мақоми Иброҳимнинг орқасига бошлаб борди. Кейин мени ўша ерга ўтқизиб қўйиб, “Менга Раҳмоннинг Каломини тиловат қилиб бер!” деди. Мен яна “Зарият” сурасини бошидан бошлаб ўқидим. Аллоҳ таолонинг:

نَادَعُوْا اٰمَ وَاْمُوْكُمْ قُرْرَ اٰمِ سَلَا يَفَو

**“Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарсалар (бор)”** оятига етганимда, аъробий қичқириб юборди ва: “Роббимиз бизга ваъда қилган нарсани ҳақиқатда топдик, кўрдик” деди. Кейин мендан: “Бундан бошқа Каломи ҳам борми?” деб сўради. Мен: “Ҳа, Аллоҳ таоло бу оятнинг давомида

نَادَعُوْا اٰمَ وَاْمُوْكُمْ قُرْرَ اٰمِ سَلَا يَفَو

**“Осмону ернинг Роббиси ила қасамки, албатта, у(гап) мисоли сиз нутқ қилаётганингиздек ҳақиқатдир”** деб марҳамат қилган” дедим. Шунда аъробий шунақа қаттиқ қичқирдики, “Субҳаналлоҳ! Буюк Аллоҳни ким ғазаблантирдики, ҳатто У Зот Каломини қасам ила таъкидлаяпти. Бандалар Унинг Каломини тасдиқламайдиларми? Унинг Каломига ишонмайдиларми? У Зот Каломи ҳақлигини таъкидлаш учун қасам ила гапиряпти” деб уч марта такрорлади. Учинчи марта гапирдию, ўша онда жони узилди”.